



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI  
BOSHQARISH AGENTLIGINING  
YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) QARORI**

2021 yil “10” avgust

№ 61/08-кр

Toshkent sh.

**“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик  
жамиятининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари  
тўғрисида**

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 58-моддасига мувофиқ қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши кераклиги белгиланган.

Кун тартибига киритилган масалалар “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - “Олмалик КМК” АЖ, жамият) кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон (рўйхат рақами 2021 йил 9 август №01-06/1-1252) баёни билан кўриб чиқилган.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Олмалик КМК” АЖ бошқарув раисининг 2020 йил яқунлари бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 2021 йилга мўлжалланган жамиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

2. “Олмалик КМК” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш.

3. “Олмалик КМК” АЖ тафтиш комиссиясининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.

---

4. “Олмалик КМК” АЖнинг 2020 йилги жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини ҳамда 2020 йил яқунлари бўйича миллий ва халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик ҳулосасини кўриб чиқиш

---

5. “Олмалик КМК” АЖда 2021 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини тасдиқлаш.

---

6. “Олмалик КМК” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамиятнинг жорий иқтисодий фаолияти давомида акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

---

7. Жамият кузатув кенгаши таркибига номзодларни сайлаш.

---

8. Жамият тафтиш комиссияси таркибига номзодларни сайлаш.

---

9. “Олмалик КМК” АЖ бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ёки унинг ваколатини узайтириш.

---

10. “Олмалик КМК” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва 2020 йил яқунлари бўйича СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини тасдиқлаш.

---

11. 2020 йил яқунлари бўйича “Олмалик КМК” АЖ ихтиёрида қолган соф фойдани тақсимлаш

---

12. “Олмалик КМК” АЖнинг “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек бошқарув ва назорат органлари котиблари вазифаларини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисидаги Низоми”га ўзгартиришлар киритиш.

---

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:**

“Олмалик КМК” АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари ва 2021 йил учун устувор йўналишлари юзасидан жамият Бошқарув раиси А. Хурсановнинг ҳисоботи кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

1.1. “Олмалик КМК” АЖ 2020 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари ва 2021 йил учун устувор йўналишлари юзасидан жамият Бошқарув раиси ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:**

“Олмалик КМК” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди (ҳисобот илова қилинади).

Кузатув кенгаши йиғилишлари кенгаш томонидан тасдиқланган кенгаш аъзоларининг “Иш режаси” асосида ўтказилган.

Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ, 2020 йилда жамиятнинг “Бизнес-режа” параметрларини ҳар чоракда кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш ва техник кўрсаткичларни бажариш бўйича ижро органининг батафсил ҳисоботи, ҳар чоракда ички аудит хизмати ҳисоботлари, тафтиш комиссияси хулосалари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тингланган, ушбу ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган камчиликлар юзасидан корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, аниқ кўрсатмалар берилиб ва уларнинг бажарилиши бўйича доимий назорат қилиб борилган (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**2.1.** “Олмалиқ КМК” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботи 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

**Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:**

Жамиятнинг 2020 йил фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи (ҳисобот илова қилинади) тақдим этилди.

Мазкур ҳисобот кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёни билан маъқулланган. Ҳисоботда жамият фаолиятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмаганлиги қайд этилган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**3.1.** “Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:**

“Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил учун йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари, молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари бўйича аудиторлик хулосаси кўриб чиқилди (ҳисобот ва аудиторлик хулосаси илова қилинади, 4,5 иловалар). Мазкур ҳисобот ва аудиторлик хулосаси кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёни билан маъқулланган.

“Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини миллий аудит стандарти бўйича аудитдан ўтказиш “TSIAR-FINANS” МЧЖ (09.04.2019 йилдаги 00799-сонли лицензия, аудиторлари С.А. Сафаев 29.10.2016 йилдаги 05434-сонли ва М.В. Фишер 27.10.2017г. №05522 сертификатларига эга) аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилган.

“TSIAR-FINANS” МЧЖнинг 2021 йил 31 мартдаги хулосасига кўра, жамият томонидан 2020 йил 31 декабр ҳолатига кўра молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда молиявий аҳволни, унинг молиявий - хўжалик фаолиятининг натижаларини ишончли акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришлиги юзасидан тасдиқловчи ижобий хулоса берилган (илова қилинади).

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан қуйидагича қарор қабул қилинди:**

**4.1.** Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича молиявий ҳисоботларини миллий аудит стандарти бўйича аудит текширувидан ўтказган “TSIAR-FINANS” МЧЖ хулосаси 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**4.2.** Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:**

Танловда қатнашган аудиторлик компанияларининг таклифларини ўрганиш натижасида, йирик компанияларда аудиторлик текширувларини ўтказиш тажрибасини, малакали мутахассисларнинг етарли миқдорини, шаклланган устав капиталининг катта миқдорини ҳамда миллий аудиторлик стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги эътироф этилди ҳамда кўрсатиладиган хизматлар учун максимал тўлов миқдори ҚҚС билан 238,4 млн.сўмни ташкил этади (асос: Танлов комиссиясининг 2021 йил 24 июндаги 672-сонли баённомаси).

**Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан қуйидагича қарор қабул қилинди:**

**5.1.** “Олмалик КМК” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини миллий аудиторлик стандартларига мувофиқ текширувдан ўтказиш учун кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёнида тавсия этилган “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилотини аудитор сифатида тайинлансин ва кўрсатиладиган хизматлар учун максимал тўлов ҚҚС билан 238,4 млн. сўм миқдорида белгилансин.

**Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:**

Қонунчиликка ва “Олмалик КМК” АЖнинг Устави ҳамда ички корпоратив ҳужжатларига асосан кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёнида маъқулланган келгусида жамиятнинг жорий молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида 2021 йил якунлари бўйича Ягона акциядорнинг қарори қабул қилингунга қадар “Олмалик КМК” АЖнинг барча аффилиланган шахслари билан амалга оширилиши мумкин бўлган битимларни маъқулланиши лозим (илова қилинади).

**Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан қуйидагича қарор қабул қилинди:**

6.1. Келгусида жамиятнинг жорий молиявий-хўжалик фаолияти жараёнида 2021 йил якунлари бўйича Ягона акциядорнинг қарори қабул қилингунга қадар “Олмалиқ КМК” АЖнинг барча аффилиланган шахслари билан амалга оширилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 6-иловага мувофиқ маъқуллансин.

**Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:**

“Олмалиқ КМК” АЖ уставининг 10.4.- моддасига биноан кузатув кенгаши 9 кишидан иборат бўлиши ва улар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан бир йил муддатга сайланиши белгиланган.

2021 йил учун “Олмалиқ КМК” АЖнинг кузатув кенгашига номзодларни сайлаш бўйича Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 23 февралдаги 01/07-2-18-247-сон хати билан амалдаги кузатув кенгаши ваколатларини 2021 йил якунлари бўйича Ягона акциядор қарори қабул қилингунга қадар узайтириш таклиф этилган.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**7.1.** Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон йиғилишида маъқулланган жамият кузатув кенгаши қуйидаги таркибда сайлансин (тасдиқлансин):

1. **Арипов** - Ўзбекистон Республикасининг  
Абдулла Нигматович Бош вазири;
2. **Насритдинходжаев** - Ўзбекистон Республикаси Молия  
Омонулла Забихуллаевич вазирининг биринчи ўринбосари;
3. **Ортиқов** - Ўзбекистон Республикаси Давлат  
Акмалхон Журахонович активларини бошқариш агентлиги  
директори;
4. **Абдиназаров** - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий  
Бобур Каландарович тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазири ўринбосари;
5. **Вафаев** - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш  
Шухрат Абдушарифович ва тараққиёт жамғармаси Ижрочи  
директори;
6. **Икрамов** - Ўзбекистон Республикаси Адлия  
Музраф Мубаракходжаевич вазири ўринбосари;
7. **Исламов** - Ўзбекистон Республикаси Геология  
Бобир Фархадович ва минерал ресурслар давлат  
қўмитаси раиси;
8. **Жуманазаров** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Акмал Рўзикулович Маҳкамаси Департамент бошлиғи  
ўринбосари;
9. **Сидиқов** - “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш  
Баходир Бахромович дастурини амалга ошириш бўйича  
лойиҳа офиси раҳбари.

### **Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:**

“Олмалиқ КМК” АЖ уставининг 13.1. моддасига биноан тафтиш комиссияси 7 кишидан иборат бўлиши ва улар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан бир йил муддатга сайланиши белгиланган.

“Олмалиқ КМК” АЖ тафтиш комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**8.1.** “Олмалиқ КМК” АЖ тафтиш комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

- |   |  |
|---|--|
| 1. <b>Файзуллаев</b><br>Джамал Сабаханович    | - Вазирлар Маҳкамаси етакчи мутахассиси;                     |
| 2. <b>Миралиев</b><br>Алишер Эркинович        | - Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи; |
| 3. <b>Самандаров</b><br>Талъат Юлдашевич      | - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи;    |
| 4. <b>Софаров</b><br>Шухрат Уралович          | - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи     |
| 5. <b>Мустафина</b><br>Виктория Валерьевна    | - Монополияга қарши курашиш кўмитаси бошқарма бошлиғи;       |
| 6. <b>Ахмедов</b><br>Шарофиддин Шодимуротович | - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи;    |
| 7. <b>Эргашев</b><br>Алишер Рахматиллаевич    | - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.     |

### **Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан:**

“Олмалиқ КМК” АЖ кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёнида жамият бошқарув раиси Абдулло Холмуродович Хурсановнинг ваколатларини 2021 йил якунлари бўйича Ягона акциядор қарори қабул қилингунга қадар узайтириш таклифи берилган.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**9.1.** “Олмалиқ КМК” АЖнинг кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёни билан қабул қилинган қарорини инобатга олиб, жамиятнинг амалдаги бошқарув раиси Абдулло Холмуродович Хурсановнинг бошқарув раиси сифатидаги ваколатлари 2021 йил якуни бўйича Ягона акциядор қарори қабул қилингунга қадар узайтирилсин.

### **Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан:**

2020 йилда “Олмалиқ КМК” АЖда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини текшириш якунларига кўра “Консаудитинформ” МЧЖ компаниясининг хулосасига мувофиқ, “Олмалиқ КМК” АЖда корпоратив бошқарув тизими “юқори” деб эътироф этилган (72%).

Шунингдек, “Консаудитинформ” МЧЖнинг хулосасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарорига мувофиқ “Олмалиқ КМК” АЖда 2020 йил учун самарадорликнинг асосий прогноз кўрсаткичлари ва ижро органи фаолияти самарадорлиги интеграл коэффиценти ҳисобларини текшириш тўғрисида”ги алоҳида масала бўйича ҳисоботига биноан “Олмалиқ КМК” АЖ 2020 йилда самарадорликнинг асосий прогноз кўрсаткичлари ва ижро органи фаолияти самарадорлиги йиғма коэффиценти ҳисоблари тўғри бажарилган.

Шунга кўра, “Консаудитинформ” МЧЖнинг “Олмалиқ КМК” АЖда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулосасини, шунингдек, ушбу аудиторлик компаниясининг 2020 йилда самарадорликнинг асосий прогноз кўрсаткичлари ва “Олмалиқ КМК” АЖ ижро органи фаолияти самарадорлиги йиғма коэффиценти ҳисобларининг тўғрилигини текшириш тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш таклиф этилади.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**10.1.** “Консаудитинформ” МЧЖ томонидан 2020 йилда “Олмалиқ КМК” АЖда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича хулосаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**10.2.** “Консаудитинформ” МЧЖнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарорига мувофиқ “Олмалиқ КМК” АЖда 2020 йил учун самарадорликнинг асосий прогноз кўрсаткичлари ва ижро органи фаолияти самарадорлиги йиғма коэффиценти ҳисобларини текшириш тўғрисидаги ҳисоблари тўғри бажарилганлиги юзасидан ҳисоботи 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан:**

“Олмалиқ КМК” АЖ ягона акциядорнинг 2021 йил 18 июндаги №39/07-кр-сонли қарорига асосан “Олмалиқ КМК” АЖ 2020 йил якуни бўйича олинган 3 944 931 325,0 минг сўм миқдоридagi соф фойданинг 50 фоизи, яъни 1 972 465 662,5 минг сўм жамият акциядорларига дивиденд тўлаш учун йўналтириш тўғрисида қарори қабул қилинган.

2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг қолган қисми 1 972 465 662,5 минг сўм “Олмалиқ КМК” АЖнинг кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёни билан қабул қилинган қарорига асосан **қўшимча акцияларни чиқариб, барча оддий акциялар эгаси - давлатга жойлаштириш шарти билан** қуйидаги тартибда тақсимлаш таклиф этилган, шу жумладан:

- капитал қурилиш харажатлари ва асосий воситаларни янгилаш учун 1 315 274 985,3 минг сўм;

- узоқ муддатли сармоялари (ҳисса кўшиш ва акцияларни сотиб олиш) учун - 14 000 000,0 минг сўм;

- тижорат банклардан жамият томонидан жалб қилинган кредитлар бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш учун - 632 267 838,2 минг сўм;

- жамиятнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратмалар учун - 19 922 839,0 минг сўм.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан қуйидагича **қарор қабул қилинди:**

**11.1.** Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 3 944 931 325 минг сўм соф фойдасидан 50 фоизи, яъни 1 972 465 662,5 минг сўми ягона акциядорнинг 2021 йил 18 июндаги 39/07-кр-сонли қарорига асосан жамият акциядорлари учун дивидендга йўналтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**11.2.** “Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг қолган қисми, яъни 1 972 465 662,5 минг сўм жамият кузатув кенгаши мажлисининг 2021 йил 2 августдаги 149-сон баёни билан қабул қилинган қарорига асосан **қўшимча акцияларни чиқариб, барча оддий акциялар эгаси - давлатга жойлаштириш шарти билан** қуйидаги тартибда тақсимлансин:

капитал қурилиш харажатлари ва асосий воситаларни янгилаш учун 1 315 274 985,3 минг сўм;

узок муддатли сармоялари (ҳисса қўшиш ва акцияларни сотиб олиш) учун- 14 000 000,0 минг сўм;

тижорат банклардан жамият томонидан жалб қилинган кредитлар бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш учун - 632 267 838,2 минг сўм;

жамиятнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратмалар учун - 19 922 839,0 минг сўм.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига асосан ҳамда “Олмалиқ КМК” АЖ уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда бошқарув ва назорат органлари котиблари вазифаларини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом” лойиҳаси кўриб чиқиш учун киритилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74-моддасида акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан компания кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариш даврида кузатув кенгаши аъзоларининг вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар учун мукофот пули тўланиши ва/ёки харажатлар қопланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундай мукофот пули ва компенсация миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан қуйидагича қарор қабул қилинди:

**12.1.** “Олмалиқ КМК” АЖ кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек бошқарув ва назорат органларининг котиблари вазифасини бажарувчи шахсларга мукофот пули тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми янги таҳрирда 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**12.2.** “Олмалиқ КМК” АЖ бошқарув раиси А. Хурсановга мазкур қарорда белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори

  
А. Ортиқов